



Ислом Нури

Муаллиф: Абдуррахмон Раъфат Бошо

Таржимон: Абу Туроб

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

«Said ibn Jubayr katl qilindi, hulbuki er yuzidagi har bir odam uningga ilmiy muxtoj edi». (Ahmad ibn Hanbal)

Саид ибн Жубайр бақувват, келишган, тетик, қалби уйғоқ, ўта фаросатли, яхшиликларга интилувчи ва ёмонликлардан четланувчи навқирон бир йигит бўлиб, рангининг қоралиги, жингалак сочи ва ҳабаший экани, унинг ўта ноёб шахсиятига путур етказмас эди.

Асли ҳабаш бўлса ҳам араб бўлиб кетган бу йигит, илм уни Аллоҳга элтувчи, тақво эса жаннатга етказувчи мустаҳкам тўғри йўл эканини идрок этиб, тақвони ўнг тарафига, илмни сўл тарафига қўяди ва икки қўли билан уларни маҳкам тутган ҳолда, ҳаёт сафарига оғишмай-толишмай илдам одимлаб боради...

Ёшлик чоғиданоқ одамлар уни китобига муккасидан кетиб ўқиётгани, ё бўлмаса жойнамози устида туриб ибодат қилаётган ҳолда кўрардилар.

Саид ибн Жубайр бир қанча улуғ саҳобалар, жумладан Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Саид Худрий, Адий ибн Ҳотим, Абу Мусо Ашъарий, Абу Ҳурайра, Оиша розияллоҳу анҳо ва анҳумлардан таълим олдилар. Лекин асосий ва катта устозлари бу умматнинг олими, илм денгизи Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо бўлганлар. Саид ибн Жубайр Абдуллоҳ ибн Аббосдан соя каби ажралмас эдилар. У зотдан Қуръон, тафсир, ҳадис ва унинг шарҳларини ўргандилар. Абдуллоҳ ибн Аббос



Ислом Нури

розияллоҳу анҳумо қўлларида диний имлани чуқур ўрганиб фақиҳ бўлдилар, тафсирдан таълим олиб муфассир бўлиб етишдилар. Буларга қўшимча ўлароқ араб тили ва унинг қоидаларини шундай мукамал ўргандиларки, ҳатто ўз замоналарида ер юзидаги ҳар бир одам у зотнинг илмига муҳтож эди.

Сўнгра Ислом диёрларида илм-маърифат излаб Аллоҳ хоҳлаганича кездилар. Режаларидаги илм ҳосил бўлгач, Кўфани ўзларига макон тутиб, унинг аҳлига устоз ва имом бўлиб яшадилар.

Рамазон кечаларида одамларга имом бўлиб намозга ўтсалар, бир кеча Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг қироатида намоз ўқисалар, яна бир кун Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг қироатида, учинчи кун эса яна бошқа бир саҳобанинг қироатида намоз ўқиб берардилар.

Ўзлари ёлғиз намоз ўқиганларида эса кўпинча бир намозда Қуръоннинг ҳаммасини ўқир эдилар. «... тезда билурлар. Ўшанда улар бўйинларида кишанлар ва занжирлар ила тортилулар. Ўта қайноқ сувга. Сўнгра оловда куйдирилурлар», ояти ва шу каби ваъда ё ваъид оятларини ўқисалар етлари жимирлар, қалблари эзилиб, кўзларидан тирқираб ёш оқарди ва шу оятни такрор-такрор ўқийверганларидан ҳалок бўлишга яқин бўлардилар.

Саид ибн Жубайр йилда икки мартаба Байтул Ҳаромга боришни одат қилган эдилар. Бири Ражаб ойида умра учун, иккинчиси Зул-Қаъда ойида ҳаж учун ният қилиб эҳром боғлардилар.

Илм толиблари, солиҳ ва холис кишилар Саид ибн Жубайрнинг мусаффо илм булоқларидан қониб-қониб ичиш, кўрсатмаларини олиш мақсадида Кўфага келар эдилар. “Аллоҳдан кўрқиб қандай бўлади?”,



Ислом Нури

деб сўраган кишига: “Аллоҳдан қўрқинг сен билан гуноҳларинг ўртасини тўса олса, ана шу Аллоҳдан қўрқинг бўлади”, деб жавоб берардилар. Зикр ҳақида сўраган кишига: “Аллоҳ таолога итоат қилиш зикрдир, ким Аллоҳга юзланса ва Унга итоат қилса Аллоҳни зикр қилган бўлади, ким Аллоҳга юзланмаса ва Унга итоат қилмаса, Аллоҳни зикр қилувчилардан бўлмайди, агарчи туни билан зикр ва тиловат қилган бўлса ҳам” — деб жавоб берардилар.

Саид ибн Жубайр Кўфани ўзларига ватан қилган дамларда, Кўфа Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийнинг қўл остида эди. Ҳажжож ўша вақтда Ироқ, Машриқ ва Мовароуннаҳр диёрларининг волийси бўлиб, Абдуллоҳ ибн Зубайрни қатл қилиб, у кишининг ҳаракатига чек қўйган, Ироқни Умавийлар салтанатига бўйсиндирган ва у ер, бу ерларда чиққан кўзғолонларни бостириб, одамлар бўйинларида қиличини ўйнатиб турган, бутун шаҳарларга қўрқувни ёйиб, қалблар ундан ҳайқиш ва азобидан қўрқув билан тўлиб-тошган ҳокимлик даврининг энг юқори чўққисига чиққан дамлар эди.

Шундай бир пайтда Ҳажжож билан унинг ўз қўмондонларидан бири Абдурраҳмон ибн Ашъас орасида зиддият чиқиб, бу зиддият қуролли тўқнашувга айланиб кетди. Натижада бу фитна ҳўл-у қуруқни ажратмай домига ютди ва мусулмонларнинг жисмларида чуқур жароҳатларни қолдирди.

Бу фитнанинг тафсилоти қуйидагича бўлган: “Ҳажжож ўзининг қўмондонларидан бири Абдурраҳмон ибн Ашъасни қўшин билан, Сижистоннинг орқа тарафидаги минтақаларга эгалик қилиб турган турк подшоҳи Ратбилга қарши ғазотга юборади. Музаффар қўмондон Ратбилнинг анча ерларини фатҳ қилиб, мустаҳкам қўрғонларини эгаллаб олади ва унинг шаҳар ва қишлоқларидан катта ўлжаларни



Ислом Нури

қўлга киритади. Сўнг Ҳажжожга катта нусрат, ғалаба ҳушхабарини айтиш учун элчиларни ва уларга қўшиб мусулмонлар байтул молининг ҳаққи бўлган ўлжанинг бешдан бирини ҳам юборади. Яна қўмондон Ҳажжожга бир мактуб ёзиб, унда душман шаҳарларини яхши ўрганиш, унга кириш чиқиш йўллари, табиати ва ҳолатини текшириш, унинг ноаниқ бўлган тоғ ора йўлларига кириб, музаффар лашкарни хатарга қўймаслик учун, бир муддат жанг қилмай туришга изн сўрайди. Мактубни ўқиган Ҳажжож ғазабга келиб, қўмондонни қўрқоқлик ва заифлик билан сифатлаб, ўлдириш, қонини тўкиш, лашкар қўмондонлигидан четлатиш кабилар билан таҳдид қилади. Абдурраҳмон лашкардаги эътиборли кишиларни ва катибалар қўмондонларини чақириб, Ҳажжожнинг мактубини ўқиб беради ва бу ҳақда маслаҳат сўрайди. Улар Ҳажжожнинг тоатидан чиқиб, унга қарши уруш қилишни маслаҳат берадилар. Шунда Абдурраҳмон: “Шундай қилсам сизлар менга байъат берасизми ва Аллоҳ таоло Ироқ ерларини унинг ёмонликларидан поклаши учун, унга қарши жиҳодимда менга ёрдамчи бўласизми?”, — деб айтган эди, ҳаммалари унга байъат бердилар.

Шундай қилиб Ҳажжожга қарши нафрат билан тўлиб тошган Абдурраҳмон ибн Ашъаснинг лашкарлари билан, Ҳажжож лашкарлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, унда Абдурраҳмоннинг қўли баланд келди. Сижистонни тўлиқ эгаллаб, Форс ерларининг ҳам катта қисмини қўлга киритди. Сўнг Кўфа билан Басрани ҳам Ҳажжожнинг қўлидан тортиб олишга отланди.

Икки гуруҳ ўртасида жанг алангаси ловуллаб турган, Абдурраҳмон ибн Ашъас зафар устига зафарга эришиб турган бир пайтда, Ҳажжож рақибининг қувватини янада зиёда қиладиган бир муаммога дуч келади. У ҳам бўлса шаҳар волийлари Ҳажжожга хат йўллашиб, унда:



Ислом Нури

“Аҳли зиммалар жизя тўлашдан халос бўлиш учун Исломни қабул қилиб мусулмон бўлишмоқда ва ишлаб турган қишлоқларини ташлаб шаҳарларга кўчиб келишмоқдалар. Натижада ердан олинадиган хирож тушмай қолганига хазиналар ҳам бўшаб қолди”, дедилар. Ҳажжож Басрадаги ва бошқа шаҳарлардаги волийларига мактуб йўллаб: “Шаҳарларга кўчиб келган зиммийларни жамлаб, қанча олдин кўчган бўлсалар ҳам ҳаммаларини яна қишлоқларга қайтаринг,” — деб, амр қилади. Волийлар буйруқни бажаришга киришадилар ва зиммийлардан жуда кўпчиликни диёрларидан ҳайдаб, тирикчиликларидан айриб, шаҳар чеккаларига жамлайдилар. Улар билан бирга хотинлари ва болаларини ҳам чиқариб юборадилар. Уларни анча илгари ташлаб кетган қишлоқларига қайтиб боришга мажбур қилдилар. Аёллар, болалар ва қариялар дод-вой қилиб йиғлашар, ёлворишар, ё Муҳаммад, Ё Муҳаммад, — деб нидо қилишар, нима қилишни, қаерга боришни билмай ҳайрону лол эдилар. Басранинг олиму фуқаҳолари орага тушиб уларга ёрдам бериш учун чиқдилар, аммо имкон қила олмасдан, уларга қўшилиб йиғлаб, Аллоҳдан мусибатларига кушойиш тиладилар.

Абдуррахмон ибн Ашъас бу фурсатни ғанимат билиб, олиму фуқаҳоларни ўзига қўшилишга чақирди. Унинг бу чақириғига, Саид ибн Жубайр, Абдуррахмон ибн Абу Яъло, Шаъбий, Абул Бухтарий бошчилигида бир қанча улуғ тобеинлар ва уламолар ижобат қилдилар.

Икки гуруҳ орасида уруш тегирмони айлана бошлади. Аввалида Абдуррахмон ибн Ашъас ва унинг лашкарлари, Ҳажжож ва унинг аскарлари устидан ғолиб келаётган эди. Лекин бориб-бориб Ҳажжожнинг палласи секин-аста оғир келиб, охири Абдуррахмон ибн Ашъас тор мор этилди. Унинг ўзи қочиб қутилиб қолди. Лашкарлари эса Ҳажжож ва унинг лашкарларига таслим бўлдилар.



Ислом Нури

Ҳажжож жарчисига амр қилиб, енгилган жангчиларни унга бўлган байъатларини янгилашга чақирди. Уларнинг аксарлари бу чақириқни қабул қилдилар, айримлари эса қабул қилмай яшириниб юрдилар. Саид ибн Жубайр яшириниб юрганлар орасида эдилар. Таслим бўлганлар байъатни янгилаш учун келганларида, ўйламаган ҳолатга дуч келиб қолдилар. Ҳажжож байъатдан олдин, ҳар бир байъат берувчидан сўрай бошлади: “Мўминлар амирининг волийсига берган байъатингни бузиш билан кофир бўлганингга гувоҳлик берасанми?”. Агар: “Ҳа” деса, унинг байъатини қабул қилар ва қўйиб юборар эди. Агар: “Йўқ” деса, қатл қиларди.

Уларнинг баъзилари Ҳажжождан кўрқиб, жонини сақлаб қолиш учун кофир бўлганига иқрор бўлар, баъзилари эса кофир бўлдим дейишни ўзига эп кўрмасди, буни инкор қилар ва оғир санарди. Бунинг баҳоси эса унинг боши бўларди. Бир неча минг киши қатл қилинган ва яна бир неча минг куфрга иқрор бўлиб ўлимдан қутилиб қолган бу ваҳшиёна қирғиннинг хабари кенг тарқалди.

Шулардан бири: “Хасъам қабиласидан бўлган бир қария, икки гуруҳга ҳам қўшилмай Фурот дарёсининг ортида яшар эди. Ҳажжожнинг хузурига олиб келинганлар қаторида уни ҳам олиб келишганда, Ҳажжож унинг нима ишлар қилгани ҳақида сўради. Қария:

— “Мен мана шу дарё орқасида уруш нима билан тугашини кутиб турдим. Сиз ғолиб бўлгач, байъат қилишга келдим” — деди.

— “Ўлим бўлсин сенга, амиринг билан бирга жанг қилмай кутиб ўтирдингми?” — деди, сўнг дағдаға қилиб:

— “Кофир бўлганингга гувоҳлик берасанми?”



Ислом Нури

— “Саксон йил Аллоҳга ибодат қилиб, сўнг кофир бўлдим деб гувоҳлик берсам, қандай ҳам ёмон одам бўламан.”

— “Унда сени қатл қиламан.”

— “Агарчи қатл қилсанг ҳам бундай демайман. Аллоҳга қасамки, умримдан қолган бўлса, эшак ташналикка сабр қила оладиганча муддат қолгандир. (Бирон ишнинг ниҳояси яқин эканига ишора қилиш учун айтиладиган арабча мақол. Тарж.) Эшак эрталабда сув ичса-ю, кечга бориб суғорилмаса ўлиб қолади. Шундоқ ҳам мен ўлимни эрта-ю кеч кутиб ўтирибман. Хоҳлаганингни қилавер”. Ҳажжож жаллодга:

— “Бўйнига ур буни” деди. Жаллод бўйнига қилич солиб қарияни қатл қилди. Ҳозир бўлганларнинг ҳаммалари Ҳажжож тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам қарияга ачиниб такбир айтдилар ва Аллоҳ раҳматига олсин, — деб дуо қилдилар. Сўнг Комил ибн Зиёд Нахъий олиб келинди. Ҳажжож унга:

— “Кофир бўлганингга гувоҳлик берасанми?” Ибн Зиёд:

— “Аллоҳга қасамки гувоҳлик бермайман.”

— “Унда сени ўлдираман.”

— “Нима ҳукм қилсанг қилавер. Аллоҳнинг хузурида кўришамиз. Ўлдиришдан сўнг ҳисоб-китоб бор.”

— “Ўша кунда ҳужжат сенинг зарарингга бўлади, фойдангга эмас”.

— “Агар у кунда ҳам сен қози бўлсанг, ҳа, шундай бўлади.”



Ислом Нури

— “Ўлдириглар”. У ҳам қатл қилинди...

Сўнг яна бир кишини олиб келинди. Бу киши Ҳажжожни масхара қилиб юргани ҳақидаги хабарни эшитган Ҳажжож уни ёмон кўриб қолган, шунинг учун уни қатл қилиш имконини излаб юрганди. Ҳажжож унга: “Мен қаршимда кўриб турган бу одам ўзини кофир бўлганига гувоҳлик бермайдиганлардан, деб ўйлайман”. У киши: “Мени ҳалокатга ташламанг ва мен ҳақимда менда бўлмаган нарсани айтманг. Мен ер аҳлининг энг кофириман, қозиклар эгаси бўлган Фиръавндан ҳам кофирроқман.” — деди. Ҳажжож уни кўйиб юборди, аммо уни қатл қилишга бўлган ташналигидан унинг ичи ёнар эди.

Бир неча минг собитқадам кишилар қатл қилинган ва яна бир неча минги куфрни ўзларига тамға қилишга мажбурланган бу вахшиёна қирғиннинг хабари кенг тарқалди. Саид ибн Жубайр ҳам, агар Ҳажжожнинг қўлига тушиб қолса, учинчиси бўлмаган икки иш; ё бўйни узилиши ва ё кофир бўлганини тан олишга мажбурланишини аниқ билди. Ҳолбуки бу икки ишнинг ширинроғи ҳам аччиқдир. Шунинг учун у Ироқдан чиқиб кетиб, кўзга кўринмай, яшириниб юришни танлади.

Аллоҳнинг кенг ерида Ҳажжож ва унинг жосусларидан яшириниб, Макка ерларидаги кичик бир қишлоққа қочиб келди ва шу зайлда тўла ўн йил ҳаёт кечирди. Бу йиллар Ҳажжожнинг қалбида ёнаётган ўч олиш оловини ўчириш ва ундаги ғазабни кетказиш учун етарлидек кўринганди. Аммо ҳеч ким кутмаган ҳодиса рўй берди... Маккага Холид ибн Абдуллоҳ Қасрий исмли Умавийлар томонидан янги ҳоким тайинланди. Бу ҳокимнинг ёмон хулқи ва ундан кутиладиган ёмонликлардан хавфсираган Саид ибн Жубайрнинг дўстлари келишиб: “Бу ҳоким Маккага тайинланиб қолди, Аллоҳга қасамки биз сиздан



Ислом Нури

хавотирдамиз, шунинг учун бизнинг талабимизга кўниб, бу ерлардан чиқиб кетсангиз”, — дедилар. Шунда Саид ибн Жубайр: “Шунча йил қочиб юрдим, Аллоҳга қасамки, энди яна қочишга Аллоҳдан уяламан. Шу жойимда қолишга қарор қилдим, Аллоҳ не кунни бошимга солса розиман,” — деб жавоб бердилар.

Дарҳақиқат, янги ҳоким одамларнинг у ҳақида қилган ёмон гумонларини ёлғонга чиқармади. У Саид ибн Жубайрнинг турган ерларини билиб қолиб, уни қўлга олиш ва “Восит” шаҳридаги Ҳажжожнинг қароргоҳига етказиш учун дарҳол бир жамоа аскарини юборди. Аскарлар Саид ибн Жубайрнинг уйини қуршаб олиб, шайхнинг айрим шогирдлари кўз ўнгида унинг қўлларига кишан урдилар ва Ҳажжожнинг ҳузурига олиб кетишларини билдирдилар. Шайх бу хабарни хотиржам қабул қилдилар ва шогирдларига ўгирилиб дедилар: “Мен бу золимнинг қўлида қатл қилинаман, деб ўйлайман. Чунки мен икки шеригим билан ибодатда ўтказаетган кечаларимиздан бирида дуо ҳаловатини ҳис этдик, шунда Аллоҳга ёлвориб, тазарру билан кўп дуо қилдик. Охирида учовимиз ҳам Аллоҳ бизларга шаҳидликни насиб этишини илтижо қилиб Аллоҳдан сўрадик. Аллоҳ таоло икки шеригимга шаҳидликни насиб этди, мен ҳанузгача насибамни кутмоқдаман”. Саид ибн Жубайр сўзларини тугатмаган эдилар ҳамки, ичкаридан кичикинагина қизчалари чиқиб қолди ва отасининг қўлига кишан урилиб, аскарлар уни олиб кетаётганини кўриб, отасига қаттиқ ёпишиб олиб ҳўнграб йиғлади. Қизларини оҳиста ўзларидан сурдилар ва шундай дедилар: “Эй қизалоғим, онангга айтиб қўй: “Иншааллоҳ энди жаннатда кўришамиз,”” — дедилару жўнаб кетдилар...

Лашкарлар олим, обид, зоҳид ва муттақий имомни Восит шаҳрига олиб келдилар ва Ҳажжожнинг олдига олиб кирдилар. Ҳажжож шайхга



Ислом Нури

ғазаб билан тикилиб туриб сўради: “Исминг нима?”

— “Саид ибн Жубайр.”

— “Йўқ, сен Шақий ибн Кусайрсан” (Исmlарининг аксини айтди.)

— “Исмишни ота-онам сендан кўра яхши билишган.”

— “Муҳаммад ҳақида нима дейсан?”

— “Муҳаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни назарда тутяпсанми?”

— “Ҳа.”

— “Одам болаларининг саййиди, Аллоҳ ихтиёр этган пайғамбар, аввалда ўтган ва кейинда келадиган башариятнинг энг яхшиси. Рисолатни етказдилар ва омонатни ўтадилар. Аллоҳ ва Унинг китобига, мусулмонларнинг оммаси ва хосларига холис бўлиб ўтдилар.”

— “Абу Бакр ҳақида нима дейсан?” — “У Сиддик, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг халифаси, бахтли яшадилар, мақтовга сазовор бўлиб кетдилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларида бирон нарсани ўзгартирмай ўтиб кетдилар.”

— “Умар ҳақида нима дейсан?”

— “У Аллоҳ таоло ҳақ билан ботилни у билан ажратган Форукдир. Аллоҳ таоло ва Унинг пайғамбари уни яхши кўргандирлар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакрнинг йўлларида собит туриб



Ислом Нури

ўтиб кетдилар. Бахтли яшадилар ва шаҳид қилиндилар.”

— “Усмон ҳақида нима дейсан?”

— “У «Жайшул усра»ни жиҳозлаган, Рума қудуғини қазиган, Жаннатдан ўзига уй сотиб олган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки қизларига уйланган куёвларидир. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни осмондан инган ваҳий билан уйлаганлар. У зулм билан қатл қилиндилар.”

— “Алий ҳақида нима дейсан?”

— “У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг ўғли, болалардан энг биринчи Исломни қабул қилган, бокира Фотимага уйланган, Жаннат аҳли йигитларининг саййидлари Ҳасан ва Ҳусайннинг оталаридир.”

— “Умавий халифаларнинг қай бири сенга кўпроқ ёқади?”

— “Яратганни рози қилувчироғи.”

— “Уларнинг қай бири Яратганни рози қилувчироқ?”

— “Бунинг илми уларнинг ичи-ю ташини Билувчи Зотнинг ҳузуридадир.”

— “Мен ҳақимда нима дейсан?”

— “Сен ўзингни яхшироқ биласан.”

— “Мен сенинг фикрингни билмоқчиман.”



Ислом Нури

- “Фикримни билишинг сени хафа қилади, хурсанд қилмайди.”
- “Фикрингни ўзингдан эшитишни истайман.”
- “Сен Аллоҳнинг китобига хилоф ишлар қиласан. Ҳайбатли бўлишни хоҳлаб баъзи ишларни қиласан, ҳолбуки, у сени ҳалокатга олиб боради ва сени дўзахга итариб юборади.”
- “Аллоҳга қасамки, сени албатта қатл этаман.”
- “Агар шундай қилсанг, менинг дунёимни барбод қиласан, мен эса сенинг охиратингни барбод қиламан.”
- “Сени қандай қатл этилишни хоҳлайсан, ўзинг танла!?”
- “Балки буни сен танла, эй Ҳажжож. Аллоҳга қасамки, сен мени қандай қатл қилсанг, охиратда Аллоҳ таоло сени ҳам худди шундай қатл қилади.”
- “Сени афв этишимни истайсанми?”
- “Афв этиш Аллоҳ таоло тарафидан бўлади, сенинг афвингнинг эътибори йўқ.” Ҳажжож дарғазаб бўлиб қичқирди: “Ҳой ғулом, қилич билан кундани келтир.” Саид ибн Жубайр табассум қилдилар.
Ҳажжож:
- “Бу нима табассум?” Саид ибн Жубайр:
- “Аллоҳ таолога журъат қилишингни ва Аллоҳнинг сенга ҳалимлигини кўриб ажабланияпман.”



Ислом Нури

— “Ҳой ғулом, буни қатл эт!”

Саид ибн Жубайр қиблага юзланиб: “Мен ҳақ йўлга мойил бўлган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни яратган зотга қаратдим ва мен мушриклардан эмасман”, оятини ўқидилар. Ҳажжож: “Унинг юзини қибладан буриб қўйинглар,” — деди. Саид ибн Жубайр: “...қай тарафга юз бурсангиз, Аллоҳнинг юзи ўша томондадир”, оятини ўқидилар. Ҳажжож: “Унинг юзини ерга қаратинглар!” — деди. Саид ибн Жубайр: “Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга кайтарурмиз ва (қиёмат кунда) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз”, оятини ўқидилар. Ҳажжож қичқириб: “Аллоҳнинг душманини сўйинглар, Қуръон оятлари тилининг учда турадиган бундан кўра кучлироқ кишини кўрмаган эдим”, — деди. Шунда Саид ибн Жубайр икки қўлини кўтариб: “Аллоҳим, мендан сўнг Ҳажжожга бирон одамни қатл қилиш имконини берма” — деб, дуо қилдилар.

Саид ибн Жубайрнинг фожеали ўлимларидан сўнг ўн беш кун ўтар-ўтмас, Ҳажжож иситмалаб, касали кундан-кун зўрая бошлади. Озгина кўзи илинар ва яна уйғониб кетарди. Ана шундай кўзи илинган пайтида, бирдан қаттиқ чўчиб уйғонар ва: “Саид ибн Жубайр мени бўғяпти, Саид ибн Жубайр мени нега қатл этдинг, деяпти” — деб, бақирар эди. Сўнг йиғлаб: “Саид ибн Жубайр билан нима ишим бор эди-я! Уни мендан даф қилинглари” — дер эди.

Хажжож vafot etib, ustidan tufroq tortilochch, odamlardan biri uni tushida ko'ribdi va undan so'rabdi: «Ey Хажжож, sen qatl qilingan odamlarni haqida Olloh sizni nima qildi?» Ҳажжож: «Ҳар бир қатл қилган одамим бадалига Аллоҳ мени бир марта қатл қилди, аммо Саид ибн Жубайрни қатл қилганим учун мени етмиш мартаба қатл қилди» — деб, жавоб берибди. Муаллиф: Абдурраҳмон Раъфат Бошор